

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ  
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**



# РЕФФЕРАТ

**Мавзу: Минтақа табиатидан фойдаланиш ва  
ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш**

**Текширди: Мислимов.Б**

**Бажарди: \_\_\_\_\_**

**Тошкент-2016**

# Минтақа табиатидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш

Режа:

- 1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тўғрисида тушунча.*
- 2. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш.*
- 3. Табиатдан фойдаланиш ва табиатга таъсирининг характери бўйича ишлаб чиқариш кучларининг классификацияси.*
- 4. Ўзбекистон ҳудудларида табиатдан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг истиқболли йўналишлари.*

## **1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тўғрисида тушунча.**

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш айрим районлар табиий ижтимоий ва иқтисодий шароитларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ҳудудлар бўйича тақсимлашнинг динамик (ўзгарувчан) ҳолатини белгилайди ва унинг хусусияти маълум ижтимоий – иқтисодий шароитда шаклланган ҳудудий меҳнат тақсимооти билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш кучлари тушунчаси аҳолини ишлаб чиқариш воситалари ва қуролларини ўз ичига олади. Шу сабабдан Ушбу тушунча аҳоли яшаш манзилларининг жойлашиши ва ишлаб чиқаришнинг (саноатнинг жойлашиши, қишлоқ хўжалиги, ноишлаб чиқариш тармоқлари, транспорт, иқтисодий алоқаларнинг жойлашиши ва бошқалар) акс эттиради.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг муҳим омилларидан бири табиий муҳит ва унинг ресурслари бўлиб, улар маълум ҳудуд табиатининг ўзига хослиги ва табиий ресурс имқонияти орқали ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга бевосита таъсир кўрсатади. Айнан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштириш табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш энг муҳим вазифалардан биридир.

## **2. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш.**

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг катта самара бериши, ҳудудларнинг табиий ресурс имқониятидан тежаб тергаб фойдаланиш асосида максимал фойда олиш, аҳоли яшашининг нормал экологик шароитини сақлаш ва яхшилашни таъминлайди. Бунда айниқса табиий ресурслардан мажмуа фойдаланиш, ҳом ашё ва ёқилгини қайта ишлашда чикитсиз технологияларни қўллаш катта аҳамиятга эга. Минтақаларнинг табиий шароит ва ресурсларини ҳар

томонлама ҳисобга олиб бутун ҳўжалиқ тизимини қайта қуриш, иқтисодий ижтимоийлаштириш, айрим минтақавий иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳўжалиқнинг ҳудудий тизимини такомиллаштириш, ҳар бир ҳудуд ва районни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини бир-бирига боғлаб олиб бориш ҳўжалиқ мажмуасидаги ўзаро таъсирининг яхшилашига, минтақаларнинг мажмуа ривожланишига, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва саноат тугунларининг шаклланишига табиий ва иқтисодий ресурсларини унимли ўзлаштиришга йўналтирилиши лозим.

Янги иқтисодий шароитда ишлаб чиқариш қучларини жойлаштиришда қуйидаги асосий принциплардан фойдаланиш муҳимдир:

- ишлаб чиқаришни хом ашё, ёкилғи, истеъмолчи ва энергия манбаларига яқинлаштириш;
- энг самарали табиий ресурс турларини биринчи навбатда ўзлаштириш ва улардан мажмуа фойдаланиш;
- экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатдан унимли фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг самарали тадбирларини амалга ошириш;
- табиатдан фойдаланишда халқаро меҳнат тақсимооти имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Ҳозирги пайтда табиатдан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш энг муҳим муаммо ҳисобланади. Шу муносабат билан табиатга етказиладиган зарарга ва унга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишга, экологик ифлослантирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик. Экологик муҳитни соғломлаштириш, табиатдан самарали фойдаланишга эришиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- ишлаб чиқариш қучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни минтақалар ва экотизимлар бўйича экологик чеклаш тизимининг қонунчилик ва нормативларига амал қилиш;

- экологик соғломлаштириш, табиий ресурслардан унимли фойдаланиш ва уларни такрор ишлаб чиқаришга йўналтиришни рағбатлантирувчи экологик солиқ ва тўловлар тизмини кўллаш;
- табиий ресурслар истеъмоли лимити, ифлослантирувчи моддаларни, чикитларни атроф муҳитга чиқариш ва ташлаш, жойлаштириш лимитини, шунингдек табиий ресурслардан самарали ва мажмуа фойдаланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

### **3. Табиатдан фойдаланиш ва табиатга таъсирининг характери бўйича ишлаб чиқариш кучларининг классификацияси.**

Маълум ҳудудларининг ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражаси унинг тизими табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш тизимининг табиий муҳит ва одамлар саломатлигига (бошқа шароитлар бир хиллигида) катта таъсирини куйидаги факт тасдиқлайди. М.Я.Лемешев маълумотларига кўра, тахминан бир хил уй- жой шароитлари ва медицина хизмати, транспорт даражасига эга бўлган 10 та шаҳардан 5 тасида экологик хавфли корхоналар жойлашганлиги сабабли ўлим бошқа ҳаво ва сув нисбатан тоза шаҳарларга нисбатан уч марта кўп бўлган. Биосфера ва одамларга айниқса иссиқлик энергетикаси, рангли металлургия, кимё саноати ва бошқалар катта салбий таъсир кўрсатади.

Минтақалар ҳужалигининг ҳар хил жойлашуви табиатдан фойдаланиш ва табиатга таъсир кўрсатиш даражаси ҳам ҳар хил бўлишини ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш муаммолари ечимини топишда ва уларнинг ривожлантиришда ҳар томонлама ҳисобга олиш лозим.

#### **4. Ўзбекистон ҳудудларида табиатдан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг истикболли йўналишлари.**

табiiй ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва уларни қайта тиклаш йил сайин тобора қийинлашиб бормокда, шунинг учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларга кўпроқ тежамкорлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларни асраш ва муҳофаза қилиш муҳим вазифадир. Табiiй ресурслар имкониятидан тўла фойдаланиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш зарур.

Тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартарф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантириш, оқилона жойлаштириш ҳамда табiiй ресурс имкониятидан тўла фойдаланишнинг истикболли йўналишлари куйидагилар:

- ишлаб чиқариш ҳудудларининг табiiй ресурс имкониятини тўла ҳисобга олиб самарали жойлаштириш;
- табiiй ресурс потенцилидан мажмуа фойдаланиш асосида минтакалар хўжалигини мажмуа ривожлантириш;
- республика экологик-иқисодий районларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолад улар ўртасида унимли ҳудудий меҳнат таксимотини амалга ошириш.

## **Адабиётлар рўйхати**

- 1. Каримов И.А. Ватанравнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.Т.: 2001.*
- 2. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.*
- 3. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.*
- 4. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.*
- 5. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.*
- 6. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2004й. №9-10. 49 бет.*
- 7. Ҳаёт ва қонун-2002й. №5. 76 бет.*
- 8. Жамият ва бошқарув-2003й. №1. 65 бет.*